

MR13634

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 091(575)+821.411.21.4-3

СОЛТАЙМОНОВА НИГОРА АСҚАРАЛИЕВНА

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ «АСОС-УЛ-БАЛОҒА»
АСАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ**

10.01.11 – Адабий манбашунослик ва матншунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2007

Диссертация иши Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Адабий манбашунослик ва матншунослик, таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

филология фанлари доктори,
профессор
Исломов Зоҳид Маҳмудович

Расмий оппонентлар

филология фанлари доктори
Сирожиддинов Шуҳрат
Самариддинович

филология фанлари номзоди, доцент
Зоҳидов Рашид Фозилович

Етакчи ташкилот

ЎзР ФА Алишер Навоий
номидаги Давлат Адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси 2007 йил 6 апрель соат 14³⁰ да
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
ҳузуридаги Д. 067.02.16 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида
ўтказилади.

Манзил: 700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ,
Ўзбек филологияси факультети, 409-аудитория.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети Илмий кутубхонасида танишиш мумкин.
(700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Асосий
бино)

Автореферат 2007 йил 6 март да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби



Тилаов Абдумурод Холмуратович

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтмиш алломаларимизнинг асарлари, илмий меросларини ўрганиш, уларни кенг кўламда тадқиқ этиш ижтимоий фанларнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шу жиҳатдан ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий меросини ўрганиш, уни халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида тадқиқ этиш, республикаимиз илм-фани истеъмолига замонавий таҳлил ва талқинда тақдим этиш, кенг жамоатчиликка, халқимизга танитиш, асарларини нашр этиш катта аҳамиятга эга. Зеро, Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси умумбашарий назарий-методологик аҳамиятга молик қадрият бўлганлиги учун дунё миқёсида кенг қамровли тадқиқ этилган. Бу тадқиқотлар бир қатор долзарб муаммоларнинг илмий ечимини топишда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган. Бироқ аллома илмий меросининг бевосита ворислари – ўзбекистонлик олимлар томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, Маҳмуд Замахшарий илмий фаолиятининг муҳим қисми старли даражада тадқиқ этилган эмас. Шу маънода Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида, филология фанининг адабий манбашунослик ихтисослигида ўрганилиши лозим бўлган долзарб илмий муаммо сифатида эътироф этилиши бугуннинг ижтимоий эҳтиёжи, талабидир. Шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотда Маҳмуд Замахшарийнинг манбашунослик ҳамда луғатшунослик соҳаларида муҳим ўрин тутувчи «Асос-ул-балоға» асари, унинг қўлёзма ва нашрлари, таркибий тузилиши, манбалари, асарнинг араб луғатшунослигида тутган ўрни, кейинги араб луғатларига бўлган таъсирини кенг қамровли ўрганиш, тадқиқ этиш шарқшуносликнинг долзарб муаммосидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳмуд Замахшарийнинг илмий фаолияти умумий тарзда узоқ вақтдан бери ўрганилиб келинмоқда. Ўрта аср араб тадқиқотчиларидан ибн Халликон¹, Ёқут Ҳамавий², Ҳожи Халифа³лар ўз асарларида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва меросига оид қимматли маълумотларни келтирганлар. Унга нафақат шарқ, балки ғарб шарқшунослари ҳам катта қизиқиш билан қарайдилар. Йирик шарқшунослар ва тадқиқотчилардан К.Брокельман⁴, Х.А.Р.Гибб⁵, И.Ю.Крачковский⁶, Б.З.Холидов⁷,

¹ ابن خلكان. وفیات الاعیان قباء لبناء الزمان. - مصر: ۱۸۸۱. ج. ۱. - ۱۰۷ ص.

² ياقوت حموى. معجم البلدان. - مصر: مطبعة المملىكة، ۱۹۰۶. ج. ۱. - ۲۸۸-۲۸۹ ص.

³ حاجى خليفة. كشف الظنون عن اسمى الكتب و الفنون. ج. ۱. - مصر: دار المصنعة، ۱۸۹۴. - ۵۰۶ ص.

⁴ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. - S.289-293., Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. - S. 507-513.

⁵ Гибб Х.А.Р. Арабская литература. Классический период / Перевод А. Б. Халидова. - М.: Изд-во восточной литературы, 1960. - С. 85-86.

⁶ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 4. - М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1957. - С. 313.

⁷ Халидов Б.З. Замахшари // Семитские языки. Выпуск 2 (ч. 2). - М.: Наука, 1965. - С. 542-556.

А.Б.Холидов⁸, В.М.Белкин⁹ лар алломанинг илмий мероси устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳа¹⁰нинг илмий тадқиқотида келтирилган маълумотлар ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқотда Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос-ул-балоға» асари манбашунослик жиҳатдан биринчи марта кенг ва атрофлича ўрганилди. Бизга қадар ушбу асар У.Уватов¹¹ томонидан қисқа тавсифланган. В.М.Белкин¹², А.Рустамов¹³, Ў.Қориев¹⁴, М.Оқилов¹⁵ каби олимлар асарга оид маълумотларни умумий тарзда қайд қилиб ўтганлар. Диссертацияда «Асос-ул-балоға» манбашуносликнинг нодир асари сифатида тадқиқ этилди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент Давлат шарқшунослик институти Адабий манбашунослик ва матншунослик, таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Диссертация мавзуси мазкур институт Илмий кенгашининг қарори билан тасдиқланган (2004 йил 25 март, 7-сонли баённома).

Тадқиқот мақсади. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға» асарининг таркибий таҳлилини амалга ошириш ҳамда унинг қўлёзма ва босма нашрларини манбашунослик жиҳатдан тадқиқ қилиш.

Тадқиқот вазифалари.

1. «Асос-ул-балоға»нинг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма ва нашр нусхаларини аниқлаш ҳамда уларни таҳлил қилиш.

2. «Асос-ул-балоға»нинг таркибий таҳлилини амалга ошириш.

3. «Асос-ул-балоға»га асос бўлган манбаларни аниқлаш ва уларни таҳлил этиш.

4. Маҳмуд Замахшарийнинг лексикографик маҳоратини очиқ бериш.

Тадқиқот объекти. Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос-ул-балоға» асари.

⁸ Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. – М.: Наука, 1985. – С. 66, 147, 195, 246.

⁹ Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд-во Московского университета, 1961. – С. 169-170.

¹⁰ هند طه حسين. الأدب العربي في إقليم خوارزم. – بغداد: دار الحرية للطباعة، ١٩٧٦. – ٥١٧ ص.

¹¹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар / Шарҳлар муаллифи ва таржумон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992; Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.

¹² Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд-во Московского университета, 1961. – С. 169-170.

¹³ Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 10.

¹⁴ Қориев Ў. Аз-Замахшарий тилшунос, адабиётчи ва шоир // Хоразмлик буюк аллома. – Т.: 1998. – Б. 66-71.; Кариев У.З. Еще раз о словаре «Асос-ул-балага» // Маяк Востока. Тошкент, 1996. - №1-2. – С. 45-48.

¹⁵ Акилов М. Замахшари и его сочинение «Аттак аз-захаб». Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М.: 1981. – С. 7.; Оқилов М. Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма нусхалари // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. - №4. – Б. 57.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Мазкур тадқиқотда И.Ю.Крачковский, В.М.Белкин, Х.К.Баранов, Г.Ш.Шарбатов, Э.А.Умаров, Н.И.Иброҳимов, У.Уватов, З.М.Исломовларнинг манбашунослик, тилшунослик ва луғатшунослик соҳасидаги илмий-назарий қарашларига таянилди.

Тадқиқот методи. Ишда тавсифий, тарихий-қиёсий ва статистик методлардан фойдаланилди.

Ҳимояга қуйидаги ҳолатлар олиб чиқилади:

1. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға» асарининг дунё фондларидаги қўлёзма ва нашр нусхаларининг таҳлили.

2. «Асос-ул-балоға»нинг араб луғатшунослигидаги ўрнининг назарий таҳлили.

3. Араб луғатшунослиги тарихида «Асос-ул-балоға»гача яратилган луғатларнинг таснифий таҳлили.

4. «Асос-ул-балоға» асарининг таркибий таҳлили.

5.«Асос-ул-балоға» манбалари(Қуръон, ҳадислар, фразеологизмлар, мақоллар, шеърӣ парчалар)нинг таҳлили, уларнинг танлаб олиш мезонлари ҳамда қўлланиш принциплари.

Ишнинг илмий янгилиги. «Асос-ул-балоға» луғатининг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма ва нашрлари аниқланди ҳамда тавсифланди; «Асос-ул-балоға» асари биринчи марта манбашунослик жиҳатдан монографик планда ўрганилди; асарнинг таркибий таҳлили амалга оширилди; «Асос-ул-балоға»га асос бўлган манбалар аниқланди ва улар таҳлил қилинди; шарқшунослик фани нуқтаи назаридан «Асос-ул-балоға» асари комплекс таҳлил қилинди ва илмий истифодага киритилди.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотга асосий манба сифатида Тошкент ислом университетининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган (№74/I, 74/II) «Асос-ул-балоға»нинг Байрут нашри (1998), шунингдек, Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида мавжуд асарнинг йигирма иккита қўлёзма нусхаси (№660, 0.4657, 0.4658, 365, 3178, 3179, 5169, 622, 5849, 563, 1358, 1000, 3532, 3533, 1077, 3641, 988, 2590, 2591, 311, 1120, 1121) олинди. Асарга манба бўлган Қуръон, ҳадислар тўпламлари, араб адабиётига оид махсус адабиётлар, шунингдек, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган айрим асарларнинг қўлёзма ва босма нусхаларидан тадқиқот манбалари сифатида фойдаланилди. Бундан ташқари, хориж каталоглари, ўзбек, рус, араб, форс, турк, инглиз ва немис тилларидаги мавзуга алоқадор махсус адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда илк маротаба «Асос-ул-балоға» асари манбашунослик жиҳатдан тадқиқ этилди. Мазкур иш Маҳмуд Замахшарий илмий меросини ўрганишда, унинг филологик фаолиятини таҳлил қилишда янги илмий изланишларга ёрдам беради.

Диссертация олий таълим муассасаларида адабий манбашунослик ва матншунослик, араб тилшунослиги тарихи, араб адабиёти тарихи, луғатшунослик, хусусан, араб луғатшунослиги бўйича ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланма, методик тавсиялар яратиш, луғатлар тузиш, талабаларга махсус курслардан маърузалар матни тайёрлашда муҳим манба бўлиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Мазкур илмий тадқиқот натижалари бир қатор илмий анжуманларда, жумладан, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида ўтказилган «Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари» деб номланган профессор-ўқитувчи ва аспирантларнинг илмий конференциясида (2004 йил 21 февраль), ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 930 йиллигига бағишлаб ўтказилган Республика илмий конференциясида (2005 йил 22 июнь), Тошкент Давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчиларининг йиллик ҳисобот конференциясида (2006 йил 2 февраль) қилинган маърузаларда баён этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг «Адабий манбашунослик ва матншунослик, таржима назарияси ва амалиёти кафедраси» ва «Араб филологияси» кафедраларининг қўшма мажлисида (2006 йил 29 ноябрь), шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси мажлисида (2006 йил 20 декабрь) ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий семинарида (2007 йил 24 январь) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Олиб борилган тадқиқот бўйича 13 та илмий мақола эълон қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 187 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, илмий ва амалий аҳамияти, манбалари, тузилиши ҳусусида маълумот берилган.

Биринчи боб «Асос-ул-балоға» ва унинг нусхалари» деб номланиб, у 4 бўлимдан иборат.

1.1. «Асос-ул-балоға»гача яратилган луғатлар. Ўрта асрлар мусулмон Шарқида араб адабий тилини китобий ва маданий тил сифатида шаклланиши, араб адабиётининг шиддат билан ривожланиши луғатлар тузиш эҳтиёжини туғдирди. Араб тилининг илмий тил сифатида қўлланилиши, ёзма тилнинг муайян меъёрларини

сақлаб туриш, шунингдек, диалектларни аниқлаш, араб тилининг ёзма ва оғзаки вариантларини бир-биридан фарқлаш эҳтиёжи араб луғатшунослигининг эрта шаклланишини тақозо этди¹⁶. Тез суръатларда ривожланаётган араб луғатшунослигида турли хил луғатлар тузила бошланди. Уларни олимлар бир неча гуруҳларга ажратадилар: тавсифий, мавзувий, изоҳли, икки тилли, синонимлар, кам қўлланиладиган сўзлар, ўзлашма сўзлар, қофиялар, терминологик луғатлар¹⁷. Тузилиш жиҳатидан араб луғатлари сўзларнинг жойлашиш принципага қараб фарқланади. Уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга фонетик принцип асосида тузилган луғатлар киради. Бундай луғатларда сўзлар ундаги ўзак ундошларнинг талаффуз ўрнига қараб қуйидагича жойлаштирилади: 1) бўғиз товушлар (ا, ع, خ, ح); 2) чуқур тилорқа товушлар (ق, غ); 3) тилорқа товушлар (ك); 4) тилолди товушлар (ن, م, ط, ظ, ل); 5) тишора товушлари (ث, ذ, ر, ز, س, ش, ص, ض, ط, ظ, ل, ن); 6) лаб-тиш товушлари (ب); 7) лаб-лаб товушлари (م, و)¹⁸. Бу луғатларда сўз ўзагидаги ундош ҳарфлар сони ҳисобга олинади. Дастлаб икки, кейин уч, сўнгра тўрт ва беш ўзак ундошли сўзлар келтирилади.

Иккинчи гуруҳга сўзнинг биринчи ўзак ундошига кўра алифбо тартибда жойлаштирилган луғатларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга сўзнинг охириги биринчи ўзак ундошига қараб алифбо тартибда тузилган луғатлар киради.

Араб луғатшунослигининг вужудга келиши Қуръон лексикасини ўрганиш билан боғлиқ. Қуръондаги сўзларни жамлаш, улар асосида луғатлар яратиш ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган. Улар «Ғариб-ул-Қуръон», яъни «Қуръоннинг сўз бойлиги» деб номланган. Ҳижрий учинчи асрда мазкур соҳада бир қатор луғатлар яратилди. Кейинчалик «Ғариб-ул-ҳадис», яъни «Ҳадиснинг сўз бойлиги» номли луғатлар яратила бошланди. Қуръон ва ҳадислар лексикасига бўлган қизиқиш араб адабий тилига бўлган эътиборни кучайтирди. Бу эса араб луғатшунослигида адабий тилнинг турли қатламларини ўз ичига олган бошқа хилдаги луғатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Кам ишлатиладиган ва эскирган сўзлар луғати тузилди. Кейинчалик маълум бир тушунчага оид сўз ва ибораларни қамраб олган мавзувий луғатлар яратилди. Бу соҳада мукаммал асарлар ёзган муаллифлар сирасига ал-Асморий, Абу Зайд ал-Ансорий, ибн ас-Сиккит, ибн Сидаларни киритиш мумкин.

Араб луғатшунослигида яратилган дастлабки изоҳли луғат Ҳалил ибн Аҳмаднинг «Китоб-ул-айн» асари ҳисобланади. Араб адабий тилининг луғат бойлигини тўлалигича кўрсатиш мақсадида

¹⁶ Қараңг: Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд-во Московского университета, 1975. – С.164.

¹⁷ Қараңг: Уша асар. Б.165.; Ахаледдани В.Г. Арабское языкознание средних веков // История лингвистических учений. Средневековый Восток. – Л.: Наука, 1981. – С.91.; Рыбалкин В. С. Арабская лексикографическая традиция. – Киев: Наукова Думка, 1990. – С.13.

¹⁸ Қараңг: Рустамова С.А. Араб тили фонетикаси. – Т.: ТДШИ нашриёти, 2000. – Б.13-18.

луғатда кам учрайдиган ва тушуниш қийин бўлган сўзлар жамланган. Луғат фонетик принцип асосида тузилган бўлиб, унда ўзак ва унинг турлари ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган.

Иккинчи усул, яъни сўзларни уларнинг биринчи ўзак ундошига қараб алифбо тартибида бериш усулида яратилган луғатлар сирасига ибн Фориснинг «Китоб-ул-муҷмал» ва «Китоб-ул-мақоис» номли луғатлари киради. Бу луғатларда изоҳланаётган сўзлар биринчи ўзак ундошига кўра алифбо тартибида жойлаштирилган.

Учинчи усул, яъни луғат мақолаларни сўзларнинг аввал охириги ўзак ундошини, сўнгга биринчи, ундан кейин ўрта ўзак ундошини ҳисобга олган ҳолда алифбо тартибида бериш усулида кўплаб луғатлар яратилган.

В.М.Белкининг «Арабская лексикология» китобида келтирилган схема бўйича луғатдаги сўзларнинг жойлашиши қуйидаги кўринишга эга¹⁹: 1) ўзаги уч ундошдан иборат сўзларда – Ў³ Ў¹ Ў²;

2) ўзаги тўрт ундошдан иборат сўзларда – Ў⁴ Ў¹ Ў² Ў³.

Ал-Жавҳарийнинг «Таж-ул-луға ва сиҳаҳ-ул-арабийя», ибн Манзурнинг «Лисон-ул-араб», Ферузободийнинг «ал-Қомус-ул-муҳит» каби луғатлари шу усулда яратилган.

1.2. «Асос-ул-балоға»нинг араб луғатшунослигида тутган ўрни». «Асос-ул-балоға» Замахшарийнинг нафақат луғатшуносликка оид асарлари орасида, балки унинг илмий меросида алоҳида ўрин тутати. Қолаверса, асар араб луғатшунослигида ҳам муҳим аҳамиятга эга асар сифатида эътироф этилади. А.Рустамовнинг фикрича, «Замахшарий ўзининг «Асос-ул-балоға» асари билан араб луғатшунослигини бир неча поғона юқори кўтарган»²⁰. Замахшарийнинг луғатшунослик соҳасига киритган бир қатор янгиликлари боис «Асос-ул-балоға» йирик шарқшунослар, тилшунослар, тарихчилар томонидан юқори баҳоланган. Унинг мазкур луғатда жорий қилган ютуқларидан бири сўзларни уларнинг барча ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда қатъий алифбо тартибида жойлаштирилганлигида кўринади. «Асос-ул-балоға»да бош сўзлар ундаги биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда алифбо тартибида жойлаштирилган.

«Асос-ул-балоға»да Замахшарий яна бир янгиликка қўл урган. У луғатдаги сўзларни ўша даврда истеъмолда бўлган жумла ва иборалар таркибидан ажратмаган ҳолда берган. Бу усул сўз маъноларини ҳар томонлама ва батафсил изоҳлаш учун ўзига хос замин яратади. Сўзларни изоҳлаш учун келтирилган жумла ва иборалар ўша давр тил хусусиятларини, қонун-қоидаларини мукамал ўрганиш имкониятини беради. Замахшарий юқорида таъкидланган икки усулни ривожлантирар экан, мақсади луғатдан фойдаланувчиларга енгиллик

¹⁹ Қаранг: Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд-во Московского университета, 1975. – С.173.

* «Ў» - сўзнинг ўзак ундошини билдиради.

²⁰ Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б.12.

яратиш эди. Шунингдек, у «Асос-ул-балоға»да араб адабий тилининг фасоҳатини акс эттиришга ҳаракат қилган. Муаллиф муқаддимада ёзишича, бу усул билан у сўзга чечан кишилар, етук адиблар етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айнан шунинг учун муаллиф ўз асарини «Асос-ул-балоға», яъни «Балоғат асослари», деб номлаган. Луғатда муаллифнинг яна бир ютуғи шуки, у жумлалар ёрдамида сўзнинг ҳақиқий маъносини мажозий маъносидан ажратиб беради. Луғатда изоҳланган сўзларнинг деярли ярми мажозий маънога эга. Бу эса ўқувчига сўзни ҳар томонлама тушуниш имконини беради.

Замахшарийга мазкур асарни яратишда унинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, тарих каби соҳаларда тўплаган билим ва тажрибалари яқиндан ёрдам берган. В.М.Белкиннинг фикрларига кўра, «одатда ўз луғатларида араб тили лексикасининг софлигини қайд этган ва уни кафолатлаган луғатшунослар грамматик масалалар билан шуғулланмаганлар. Фақатгина Замахшарий ҳам грамматика, ҳам луғатшуносликда оригинал асарлар ярата олган»²¹.

Шу ўринда ас-Самаройй фикрларини хулоса сифатида келтириш мумкин: «Асос-ул-балоға» бошқа луғатлардан ажралиб турадиган луғатдир. Ундан аввал ҳам, кейин ҳам луғатшунослик илмида бундай услубда луғат тузилмаган. Бу луғат сўзларнинг жойлаштирилиши осонлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан бошқа луғатлар унинг ўрнини боса олмайди. Агар бошқа луғатлар ўз кучини йўқотса ҳам, «Асос-ул-балоға» ўз кучида қолади»²².

1.3. «Асос-ул-балоға»нинг қўлёзма нусхалари. «Асос-ул-балоға»нинг турли даврларда кўчирилган қўлёзмалари дунёнинг йирик кутубхоналари, музейлари, қўлёзма фондларида сақланмоқда. Унинг қўлёзмалари Париж (№6720), Рим (№370), Болония (№277) ва Работ кутубхонасида мавжуд²³.

Асарнинг бир неча қўлёзмалари Қоҳиранинг «Дар-ул-кутуб-ил-илмиййа» (№232)²⁴, Дамашқнинг «ал-Асад» (№46, 14150, 15496, 17455)²⁵, Ироқнинг «Бағдод» (№6576) кутубхоналарида сақланади. Шунингдек, Британия музейининг қўлёзмалар фондида ҳам асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари бор²⁶.

Истанбул шаҳридаги Сулаймония кутубхонасида «Асос-ул-балоға»нинг йигирма иккита қўлёзмаси бор. Улардан энг қадимийси (№3532) ҳижрий 691 йил насх хатида кўчирилган. Энг янги қўлёзма (№5849) ҳижрий 1299 йили насх хатида кўчирилган икки жилдли нусха. Кутубхона фондларида сақланаётган «Асос-ул-балоға»нинг қўлёзмалари ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

²¹ Белкин В. М. Арабская лексикология. – М.: Изд-во Московского университета, 1975. – С. 164

²² فاضل صالح السرايى. الدراسة لتحوية عند الزمخشري. بغداد. ١٩٧٠-١٩٢٢ هـ.

²³ Қарапг: Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. – S.511.

²⁴ Қарапг: الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. - ص. ٥٠.

²⁵ Уша асар. Б.10.

²⁶ <http://britishmuseum-orientalmanuscriptsfundcatalogue>

1-жадвал

**Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг фондларида сақланаётган
«Асос-ул-балоға»нинг қўлёзма нусхалари**

№	Қўлёзма сақла- наётган фонд номи	Инвеп- таръ рақам	Қўчи- рилган йили	Хаттот- нинг исми шарифи	Хат тури	Варақ- лар сони	Сатр- лар сони	Саҳифа ўлчами (см.да)	Матп ўлчами (см.да)
1.	Лолали	3532	ҳ. 691 м. 1292	номаълум	насҳ	465	25	27,5x16,5	21x10,5
2.	Тархон Султон	311	ҳ. 705 м. 1305	номаълум	насҳ	386	23	29x17	22x12,8
3-4.	Аё София	1 ж. 0.4657 II ж. 0.4658	ҳ. 728 м. 1327	Кабир ибн Муҳаммад	насҳ	I ж. 288 II ж. 248	37	26,5x15,5	20x9,5
5.	Йеши Жами	1121	ҳ. 769 м. 1367	номаълум	насҳ	420	31	26,5x17,3	20,5x12
6-7.	Асад Афанди	1 ж. 3178 II ж. 3179	ҳ. 782 м. 1379	Али ибн Аҳмад	таъ- лиқ	I ж. 282 II ж. 259	31	30,7x21,2	22,7x14,8
8.	Шоҳид Али Пошо	2591	ҳ. 788 м. 1385	Аҳмад ибн Маҳмуд	насҳ	I ж. 372	21	26,3x18,7	19,5x14,5
9.	Фотиҳ	5169	ҳ. 815 м. 1412	номаълум	насҳ	367	30	28,3x19,5	20,5x11,3
10.	Шоҳид Али Пошо	2590	ҳ. 960 м. 1552	Юсуф Шаро- фиддин	насҳ	II ж. 321	21	34,5x15,8	17x9
11.	Ангалия Текели- ўғли	660	ҳ. 971 м. 1563	номаълум	насҳ	467	25	27x16	20x10
12.	Йеши Жами	1120	ҳ. 980 м. 1571	номаълум	насҳ	389	25	26,5x16,9	20x10,5
13.	Сулай- мония	988	ҳ. 986 м. 1577	номаълум	нас- таъ- лиқ	581	21	22,7x15	16,4x8
14.	Серез	3641	ҳ. 997 м. 1588	Муҳаммад ибн Али	насҳ	416	27	30,8x21,5	24,5x14
15.	Чорлулу Али Пошо	365	ҳ. 1006 м. 1597	номаълум	насҳ	380	27	26x17,3	19,4x10,5
16.	Ҳожя Башир Оға	622	ҳ. 1013 м. 1603	Яҳё ибн Фахриддин	насҳ	337	33	29,3x18,7	20,5x12
17.	Қилич Али Пошо	1000	ҳ. 1018 м. 1608	номаълум	насҳ	953	31	24,3x18	18,9x12,4
18.	Халид Афанди	563	ҳ. 1032 м. 1622	Мустафо Ҳалватий	насҳ	510	25	29,8x18,7	22x10,3
19.	Раисул- кутуб	1077	ҳ. 1161 м. 1747	Муҳаммад ибн Мустафо	насҳ	309	33	32,5x20,9	24,4x13,7
20.	Лолали	3533	ҳ. 1162 м. 1748	Ҳасан Нуъмон Пошо	насҳ	580	25	27x15	90,4x9
21.	Ҳамидия	1358	ҳ. 1164 м. 1750	номаълум	насҳ	395	31	25x14	18x8,5
22.	Ҳожя Маҳмуд Афанди	5849	ҳ. 1299 м. 1881	номаълум	насҳ	I ж. 337 II ж. 370	25	25,5x15,9	20x9

1.4. Асар Байрут нашрининг ўзига хослиги. «Асос-ул-балоға»нинг турли хорижий мамлакат матбааларида тайёрланган бир қатор нашр нусхалари мавжуд. Асар дастлаб 1881 йилда Қоҳиранинг Мустафо Ваҳбий нашриётида, 1893 йил Ҳиндистоннинг Лакхнау ва 1906 йил Ҳайдаробод шаҳарларида нашр қилинган. Унинг аксарият нашрлари Миср Араб Республикасида тайёрланган (1908, 1922, 1953, 1960, 1972). Улардан бири (1972) Гарвард университетининг кутубхонасида OL 22423.5 инвентарь рақам остида сақланади²⁷. Асар Байрутнинг «Дар-ус-саодат» (1953) ва «Дар-ус-садир» (1965) нашриётларида ҳам босмадан чиққан.

«Асос-ул-балоға»нинг Ўзбекистонда 1998 йил Байрутнинг «Дар-ул-кутуб-ил-илмий» босмахонасида икки жилдада чоп этилган нашри Тошкент ислом университетининг қўлёзмалар хазинасида 74/І (1-жилд) ва 74/ІІ (2-жилд) инвентарь рақамлар остида сақланади. Асар Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд томонидан нашрга тайёрланган. Олим «Асос-ул-балоға» нашрининг кириш қисмида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, унинг илмий меросини батафсил ёритган. Ушбу нашрнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат: луғат мақолаларини бир-биридан осон ажратиш мақсадида ношир бош сўзни қизил сиёҳда бериб, юлдузча билан белгилаган; сўзни изоҳлашда иллюстратив материал сифатида келтирилган Қуръон оятлари нақшли қавслар, ҳадислар ва мақоллар кичик қавсларга олинган; шеърий парчаларнинг вазни аниқланган ҳамда муаллифлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Асос-ул-балоға» асарининг таркибий таҳлили» деб номланиб, у 3 бўлимдан иборат.

2.1. «Асос-ул-балоға»нинг тузилиш принципи. Луғат араб алифбосига мувофиқ 28 ҳарфга бўлинган бўлиб, 3742 та сўзни ўз ичига олади. Муаллиф ҳар бир ҳарф қисмини «боб» деб номлаган. Боблар ўз навбатида сўзнинг иккинчи ўзақ ундошига мувофиқ қисмларга ажратилган ва улар «фасл» деб аталган. Ҳар бир фаслни ташкил этувчи луғат мақолалар ҳам ўз навбатида бош сўз ўзагининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ундошларига мувофиқ алифбо тартибда жойлаштирилган. Асар бобларининг жойлашиш кетма-кетлиги ва улардаги луғат мақолаларнинг сони билан қуйидаги жадвалда танишиш мумкин.

2-жадвал

«Асос-ул-балоға»да мавжуд боблар ва улардаги луғат мақолалар сони

№	Боблар	Луғат мақолалар сони
1.	باب الهمزة	Ҳамза боби 131
2.	باب الباء	Ба боби 178
3.	باب التاء	Та боби 60
4.	باب اللام	Са боби 63
5.	باب الجيم	Жим боби 146
6.	باب الحاء	Ха боби 186
7.	باب الخاء	Ха боби 153

²⁷ Catalogue of Arabic, Persian and Ottoman Turkish books. Volume 2. Authors, Titles and Personal subjects. Arabic: Ha – 'Ayn. – Cambridge, Massachusetts: Published by Harvard University Library, 1968. – P.271.

8.	باب الدال	Дол боби	141
9.	باب الذال	Зол боби	46
10.	باب الراء	Ра боби	229
11.	باب الزاء	За боби	100
12.	باب السين	Син боби	182
13.	باب الشين	Шин боби	170
14.	باب الصاد	Сод боби	107
15.	باب الضاد	Зод боби	73
16.	باب الطاء	То боби	83
17.	باب الظاء	Зо боби	17
18.	باب العين	Айн боби	193
19.	باب الغين	Ғайн боби	103
20.	باب الفاء	Фа боби	157
21.	باب القاف	Қоф боби	173
22.	باب الكاف	Коф боби	130
23.	باب اللام	Лом боби	151
24.	باب الميم	Мим боби	161
25.	باب النون	Нун боби	274
26.	باب الواو	Вов боби	201
27.	باب الهاء	Ҳа боби	112
28.	باب الياء	Ей боби	22
ЖАМИ:			3742

Жадвалда берилган маълумотларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, энг катта боб бу «нун боби» бўлиб, ундаги луғат мақолаларнинг сони 274 та, энг кичик боб эса «за боби» ҳисобланади. У 17 та луғат мақолани ўз ичига олган.

2.2. Луғат мақолаларнинг таркибига кўра таҳлили. «Асос-ул-балоғ»да луғат мақолалар таркибан қуйидаги қисмлардан иборат: а) бош сўз; б) бош сўз маъноси; в) бош сўз ҳосилалари (фёъл боблари, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, масдарлари ва ҳоказо) иштирок этган жумлалар; г) бош сўзни изоҳлаш учун иллюстратив материал сифатида қўлланилган Қуръон оятлари, ҳадислар, халифа ва саҳобаларнинг сўзлари, шеърӣ асарлардан олинган парчалар, фразеологизмлар, мақоллар; д) сўзнинг мажозий маъноси; е) бош сўз мажозий маънода ишлатилган жумлалар; ж) иллюстратив материаллар.

Маҳмуд Замахшарӣ «Асос-ул-балоғ»да сўзни изоҳлашда кенг истъомлдаги жумлалар, насрий ва шеърӣ парчалардан фойдаланган. Кам истъомлдаги сўзлар луғатга киритилмаган. Айрим луғат мақолаларда ҳам бош сўзнинг ўзак ундошларидан ясаладиган ҳосилаларнинг асосан кўп ишлатиладиганлари берилган.

2.3. Луғат мақолаларнинг ҳажмига кўра таҳлили. «Асос-ул-балоғ»да мавжуд луғат мақолаларни ҳажмига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) қисқа луғат мақолалар; 2) ўртача ҳажмга эга луғат мақолалар; 3) узун луғат мақолалар. «Асос-ул-балоғ» 3742 та луғат мақоладан иборат бўлиб, уларнинг 480 тасини қисқа луғат мақолалар ташкил этади. Улар ҳажман кичик бўлиб, уларда бош сўзнинг маъноси бир ёки икки жумла билан изоҳланган. Бош сўзнинг фақатгина ҳақиқӣ маъноси берилган. Сўзни изоҳлашда

иллюстратив материаллардан фойдаланилмаган. Қуйида таҳлили келтирилган خبص луғат мақоласи қисқа луғат мақола ҳисобланади:

- خبص: أقلب الخبيص بالمخبصة , اختبصوا: اكلوه. اختبص ضيفهم: طلبه.

Луғат мақоланинг бош сўзи خبص бўлиб, у бир нарсани иккинчи нарсага аралаштирмақ деган маънони англатади. Бу маънони тасдиқлаш учун қуйидаги жумла келтирилган:

أقبل الخبيص بالمخبصة
У хабисни михбаса билан аралаштирди.

Бу ерда бош сўзнинг иккита ҳосиласи келтирилган. Улардан биринчиси خبيص сўзи бўлиб, арабларнинг ширинликларидан бири ҳисобланади. У хурмо, сут ва крахмалнинг аралашмасидан тайёрланади. Бош сўзнинг иккинчи ҳосиласи مخبصة сўзи хабис ширинлигини аралаштиришга мўлжалланган қошиқнинг номини англатади.

اختبصوا: اكلوه.
Улар хабисдан тановвул қилишди.

اختبص ضيفهم: طلبه.
Уларнинг меҳмони хабис сўради.

Юқоридаги ҳар икки жумла луғат мақолада иллюстратив материал сифатида берилган. Уларда бош сўзнинг VIII боб, ўтган замон, III шахс, бирлик ва кўplik шакллари (اختبصوا, اختبص) берилган. Улар хабисдан тотиб кўрмақ, хабис танаввул қилмоқ деган маъноларни ифодалайди.

«Асос-ул-балоға»даги қисқа луғат мақолаларни ташкил этувчи бош сўзларнинг аксарияти ўша даврда нисбатан кам ишлатиладиган сўзлардан иборат бўлган. Вақт ўтган сари бу сўзларнинг баъзилари истеъмолдан чиққан бўлса, айримлари архаик сўзлар қаторига кирган.

Ўртача ҳажмдаги луғат мақолаларда бош сўз кўп маъноли бўлмаганлиги учун унинг изоҳи қисқа. Лекин қисқа луғат мақолалардан фарқли ўлароқ, ўртача ҳажмдаги луғат мақолаларнинг деярли барчасида бош сўзнинг ҳақиқий маъноси билан бирга мажозий маъноси ҳам берилган. Ўртача ҳажмдаги луғат мақолаларда сўзларни изоҳлашда иллюстратив материаллардан кам фойдаланилган. سلك луғат мақоласи ўртача ҳажмдаги луғат мақола ҳисобланади:

سلك: طريق مسلوک. و ما سلك طريق أقوم منه. و سلك الخيط في الإبرة. و سلك السنان في المطعون. "ما سلككم في سقر". و نظم الدر في السلك و في السلوك. و من المجاز: ذهب في مسلک خفي. و خذ في مسالك الحق²⁸.
طريق مسلوک.

Кириш йўли.

Юқоридаги мисолда бош сўзнинг I боб мажҳул даража сифатдоши (مسلوک) берилган. У кириш деган маънони англатади.

و ما سلك طريق أقوم منه.
У мен юрган йўлдан юрмади.

Мазкур жумладаги бош сўзнинг I боб ҳосиласи (سلك) йўлидан юрмақ, изидан бормақ каби маъноларни ифодалайди.

لزمخشري. أساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. - ٩٧٠ ص. 28

Ушбу сўзнинг ўтказиш.

وسلك الخيط في الإبرة.

Бундан сўзга I бобда бир қанча маъноларга эга. Улардан бири жумлада келтирилган. Унда бош сўз ўтказмоқ, тизмоқ каби маъноларни билдиради.

وسلك السنان في المطعون.

Ушбу сўз санилган жойга нишини (тиғини) санчи.

Мазкур мисолда бош сўзнинг I бобдаги яна бир маъноси келтирилган. Бу ерда у санчмоқ маъносини ифодалайди.

"ما سلككم في سقر".²⁹ «Сизларни Сақарга нима киритди?»²⁹

Юқоридаги мисол Қуръондан келтирилган бўлиб, у Муддассир сурасининг 42-оятти. Жумлада бош сўзнинг I бобдаги яна бир маъноси келтирилган. Бу ерда у киритмоқ маъносини англатади.

ونظم الدر في السلك و في السلوك.

Ушбу жумлада – سلك – ип, сим сўзи ва унинг кўплик шакли (سلوك) келтирилган.

ذهب في مسلك خفي.

Мазкур мисолда бош сўздан مَقْعَل вазни асосида ясалган макон номни (مسلك) берилган бўлиб, у йўл маъносини ифодалайди.

وخذ في مسالك الحق.

Юқоридаги жумлада مسلك – йўл сўзининг кўплик шакли (مسالك) берилган.

Узун луғат мақолаларда бош сўзнинг ҳамма маънолари акс этган. Уларнинг изоҳи ярим бетдан икки бетгача бўлиши мумкин. Бундай луғат мақолаларнинг деярли барчасида сўзнинг ҳақиқий маъноси билан бирга мажозий маъноси ҳам келтирилган бўлади. Сўзнинг ҳар икки маъноларини изоҳлашда иллюстратив материаллардан кенг фойдаланилган. Узун луғат мақолага мисол сифатида жис луғат мақоласини келтириш мумкин:

جسر: رجل جسر. وفيه جسارة. وقد جسر على عدوه. ولا يجسر أن يفعل كذا. وإن فلانا يشجع أصحابه ويجسرهم. وتجاسرت على كذا: تجرات عليه. إنك لقليل التجاسر علينا. وناقة جسر: قوية جريئة على السفر. و جارية جسر السواعد. و جسر المخدم: مملنتها. وأرادوا العبور فعقدوا الجسور.

من المجاز: رحم الله امرأ جعل طاعته جسرا إلى نجاته. وجسرت الركاب المغازة و اجتسرتها: عبرتها عبور الجسر و الجسر. و اجتسرت السفينة البحر: عبرته.³⁰

Мазкур луғат мақоланинг бош сўзи бўлиб, у довюрак бўлмоқ, жасур бўлмоқ, журъатли бўлмоқ каби маъноларни англатади. Ушбу сўз мажозий маъноларга ҳам эга. Буни мисоллардан кўриш мумкин. Қуйидаги ҳар тўрт жумлада бош сўз довюрак бўлмоқ, жасур бўлмоқ, журъатли бўлмоқ каби маъноларни ифодалайди. Биринчи жумлада

²⁹ Қуръон карим. Маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Малик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б.576.

³⁰ لزمخشرى. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. 1. – بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية، 1998. – 128-129. ص.

бош сўзнинг ўзак ундошларидан ясалган сифат (جسور), иккинчи жумлада I боб масдари (جساره), кейинги мисолда I боб ўтган замон феъли (جسر), сўнгги мисолда I боб ҳозирги-келаси замон феъли (يجسر) берилган:

رجل جسور. Жасур, журъатли, довюрак киши.
 وفيه جسارة. У жасоратли, унда жасорат бор.
 وقد جسر على عدوه. У ўз душманига нисбатан журъатли бўлди.
 ولا يجسر أن يفعل كذا.

У шундай қилишга журъат қила олмаяпти (унда бундай қилишга журъат етмаяпти).

Бош сўзнинг II бобда қўллаб қувватламоқ, кимгадир далда бўлмоқ каби маънолари қуйидаги мисолда акс этган:

وإن فلانا يشجع أصحابه ويجسرهم.

Ҳақиқатдан ҳам, фалончи ўз дўстларини қўллаб-қувватлайди ва уларга далда бўлади.

Қуйидаги иккита мисолда бош сўзнинг VI боб феъли (تجاسر) ва масдари (تجاسر) иштирок этган: журъати етмоқ, кучи етмоқ. Биринчи мисолда иллюстратив материал сифатида келтирилган жумладан кейин бош сўз ҳосиласига изоҳ берилган. Унда تجاسر феъли تجاسر феълига синоним бўлган:

وتجاسرت على كذا: تجرات عليه.

Бунни қилишга журъат этдим (бунни қилишга ўзимда куч топдим).

إنك لقليل التجاس علينا. Дарҳақиқат, сенинг кучинг фақат бизга етади.

Бош сўз ўзак ундошларидан ясалган сифатлар жасоратли, кучли, чидамли каби маъноларни беради. Бунни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин:

وناقة جسرة: قوية جريئة على السفر.

Кучли, жасоратли туя, яъни сафарга чидамли туя.

Қуйидаги мисолларда бош сўзнинг I боб масдари, яъни جسرة сўзи кўприк маъносини билдиради:

وجارية جسرة السواعد. Кема сув оқимлари учун кўприқдир.
 وجسرة المخدّم: ممثنتها.

Тўла кўприк, яъни кўп ишлатиладиган, одамлар билан лиқ тўла бўладиган кўприк.

وإذا أرادوا العبور فعفّوا الجسور.

Улар йўлни кесиб ўтишни ҳоҳладилар, шунда кўприкларни бирлаштирдилар.

Қуйидаги мисолларда сўзнинг мажозий маънолари изоҳланган:

رحم الله امرأع ل جعل طاعته جسرا إلى نجاته.

Аллоҳ унга раҳм қилиб, тоатини нажотига кўприк қилди.

وجسرت الركاب المغازة واجتسرتها: عبرتها عبور الجسر والجسر.

Туялар саҳрога кўприк бўлдилар, яъни саҳрони кесиб ўтдилар.

و اجتسرت السفينة البحر: عبرته.

Кема денгизга кўприк бўлди, яъни уни кесиб ўтди.

Учинчи боб ««Асос-ул-балоға» манбаларининг таҳлили» деб номланган. Унда «Асос-ул-балоға»да манба сифатида истифода этилган Қуръон, ҳадис, фразеологизм ва шеърий парчалар таҳлил қилинган.

3.1. Қуръон. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға»да асосий манба сифатида биринчи навбатда Қуръонга таянган. Луғатдаги 368 сўзни изоҳлашда Қуръон оятларидан иллюстратив материал сифатида фойдаланилган бўлиб, унда 89 та сура оятларидан 447 та мисол келтирилган. Мисолларнинг аксарияти қуйидаги суралардан олинган:

1. البقرة	Бақара	45 та мисол
2. الكهف	Каҳф	23 та мисол
3. الأعراف	Аъроф	18 та мисол
4. يوسف	Юсуф	18 та мисол
5. آل عمران	Оли Имрон	16 та мисол
6. التوبة	Тавба	13 та мисол
7. القصص	Қасас	12 та мисол
8. النحل	Наҳл	11 та мисол
9. الإسراء	Исро	11 та мисол
10. النساء	Нисо	10 та мисол
11. المائدة	Моида	10 та мисол

Айрим луғат мақолаларда Қуръондан битта, иккита, учта, ҳаттоки тўртта мисол берилган. Муаллиф мисолларни бош сўзнинг турли маъноларини очиб бера олиши, унда сўзнинг ҳар томонлама изоҳланишига қараб танлаган. Шунинг учун ҳам битта луғат мақолада келтирилган бир мисолда очиб берилган бош сўзнинг маъноси иккинчи мисолда такрорланмайди. Қуйидаги мисолларда бунинг исботини кўриш мумкин. *امن* луғат мақоласида Қуръоннинг Бақара, Анкабут, Юсуф сураларидан мисол олинган:

... فليؤد الذي أوتمن أمنته...³¹

... омонат қўйилган киши омонатни қайтарсин...³²(Бақара, 283).

Мазкур мисолда бош сўзнинг VIII боб феъли берилган бўлиб, у *ишонмоқ*, *омонат қўймоқ* маъносини англатади. Мисолда, шунингдек, бош сўзнинг I боби ҳам берилган бўлиб, у *омонатга берилган* деган маънони англатади.

... أنا جعلنا حرما أمنا...³³

*Биз (Маккани) осойишта ҳарам қилиб қўйганмиз...*³⁴(Анкабут, 67).

Мисолда бош сўзнинг *осойишта*, *хавфсиз* маъноларини англатувчи ҳосиласи иштирок этган.

³¹ قرمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. - ص. ٢٢.

³² Қуръони карим. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. - Б.49.

³³ قرمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. - ص. ٢٢.

³⁴ Қуръони карим. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. - Б.404.

Сиз бизга ишонувчи эмассиз³⁶ (Юсуф, 17).

Ушбу мисолда бош сўзнинг IV боб, аниқ даража сифатдоши берилган бўлиб, у ишонувчи, деган маънони ифодалаган.

3.2. Ҳадис. «Асос-ул-балоға»да сўзларни изоҳлашда иллюстратив материал сифатида хизмат қилган яна бир манба бу ҳадислардир. Қуйида келтирилган ҳадис³⁷ луғат мақоласидан олинган:

من اراد الله به خيرا فقهه في الدين³⁷

Аллоҳ кимга яхшилиқни истаса, уни динда фақиҳ (яхши тушунадиган) қилади. Ушбу ҳадисда бош сўзнинг II боб, ўтган замон, бирлик, III шахс, музаккар жинс шакли берилган. У фақиҳ (яхши тушунадиган) қилмоқ маъносини англатади.

Қуйидаги ҳадис³⁸ луғат мақоласига мисол сифатида келтирилган:

إن لكل شيء قلبا و قلب القرآن يس³⁸

Дарҳақиқат, ҳар бир нарсанинг қалби бор, Қуръоннинг қалби Ёсиндир. Мазкур ҳадисда бош сўзнинг масдари ишлатилган бўлиб, у икки жойда ҳам бир хил маъно, яъни қалб маъносини ифодалайди.

Кейинги ҳадис³⁹ луғат мақоласидан олинган:

إن قلب المؤمن أشد اضطرابا من الذنب يصيبه من العصفور حين يغف به³⁹

Мўмин киши қалбининг гуноҳ иш қилгандаги изтироби қушнинг унга тўр ташланган пайтдаги изтиробидан ҳам кучлироқдир. Ушбу ҳадисда бош сўзнинг I боб, ҳозирги келаси замон, мажхул даражаси берилган бўлиб, у овланмоқ, тўр ташланмоқ каби маъноларни ифодалайди.

3.3. Фразеологизмлар. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға»да сўзларни изоҳлашда иллюстратив материал сифатида фразеологизмлардан кенг фойдаланган. Шу боис ҳам В. М. Белкин «асар анъанавий араб луғатшунослигининг умумий ривожланиш йўлидан бироз ўзгачароқ бўлиб, у фразеологик луғатнинг бир тури ҳисобланади»⁴⁰, деб таъкидлаган. Асарда фразеологизмларнинг учта тури учрайди: фразеологик чатишма, фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма. «Асос-ул-балоға»да ҳар уч турга мисоллар мавжуд. Қуйидаги фразеологизм⁴¹ луғат мақоласидан олинган бўлиб, у фразеологик чатишмага мисол бўла олади:

لكلة رأس : اي قليل⁴¹

Ушбу фразеологизм ўзбек тилига боши ейилган, деб таржима қилинади. Бу ерда Маҳмуд Замахшарий ай (яъни) сўзидан кейин фразеологизм қандай маъно англатишини берган. Унга кўра, боши

³⁵ فرمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. 1. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، 1998. - 22. ص.

³⁶ Қуръони карим. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. - Б.237.

³⁷ فرمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. 2. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، 1998. - 25. ص.

³⁸ Ўша асар. Ж.2. Б.95.

³⁹ Ўша асар. Ж.1. Б.695.

⁴⁰ Белкин В. М. Арабская лексикология. - М.: Изд-во Московского университета, 1975. - С.169.

⁴¹ فرمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. 1. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، 1998. - 21. ص.

сйилган ибораси кам деган маънода ишлатилади. Фразеологик чатишма сифатида мазкур иборанинг маъноси унинг таркибидаги сўзлар маъносига умуман боғлиқ эмас.

Фразеологик бутунликка درج луғат мақоласидаги қуйидаги ибора мисол бўла олади:

ذهب دمه اندراج الرياح⁴²

Унинг ҳаракатлари шамолга учди фразеологизми бекор қилинган ишга нисбатан қўлланилади. Бу фразеологизм ўзбек тилидаги ҳаммаси бир тийин бўлди ёки барчаси бир пул бўлди деган ибораларга мос келади.

Фразеологик қўшилмага мисол тариқасида موت луғат мақоласида келтирилган қуйидаги фразеологизмни олдик:

مات الثوب⁴³

Араб тилида кўп кийилган кийимга нисбатан юқоридаги кийим ўлди фразеологизми ишлатилади. Иборада кийим сўзи ҳақиқий, ўлди сўзи мажозий маънода ишлатилган.

3.4. Мақоллар. «Асос-ул-балоға» асарида Маҳмуд Замахшарий араб мақолларидан кенг фойдаланган, лекин матн таркибидаги мақолларнинг маъносини содда тил билан тушунтирмаган. Асарнинг XII асрда ёзилганлигини ҳисобга олганда, унда келтирилган мақолларнинг маълум бир қисми бугунги кунда истеъмолдан чиқиб кетган. Шу сабабли луғатдан фойдаланувчилар унда иллюстратив материал сифатида ишлатилган мақолларни тушуниши учун арабларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари билан яқиндан таниш бўлиши керак. Қуйида «Асос-ул-балоға»да сўз маъноларини изоҳлаш учун фойдаланилган мақоллардан мисоллар берилган. Ушбу мақолдан هنر луғат мақоласида иллюстратив материал сифатида фойдаланилган:

لكل عالم هفوة⁴⁴

Юқоридаги «Ҳар бир олимда хато мавжуд» ёки «Олим ҳам хато қилади (адашади)» мақоли ўзбек тилидаги «Беайб парвардигор» мақолига тўғри келади. Бу мақолда бош сўз ҳосиласи хато маъносини ифодалаган.

Шу луғат мақоласида қуйидаги мақол келтирилган:

شفاء العى السؤال⁴⁵

Мазкур мақол ўзбек тилига «Зайфлик(кучсизлик)нинг давоси – сўраш» деб таржима қилинади. Мақолда бош сўз ҳосиласи даво, шифо маъноларини берган. Ушбу мақол ўзбек тилидаги «Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» ҳикматли сўзига мос келади.

Қуйидаги мақол فلع луғат мақоласидан олинган:

الزمخشري. اسس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. - ٢٨٢ ص. ⁴²

⁴³ Ўша асар. Ж. 2. Б.231.

⁴⁴ Ўша асар. Ж. 2. Б.377.

⁴⁵ Ўша асар. Ж.1. Б. 515.

«Темир темир билан чиқишади» мақоли ўзбек тилидаги «Аччиқни аччиқ кесади» мақолига тўғри келади. Мақолда бош сўзнинг IV боб, ҳозирги-келаси замон, бирлик, III шахс шакли берилган бўлиб, у чиқишмоқ, муваффақиятга эришмоқ маъноларини англатган.

Луғатда мақоллардан асосан бош сўз ҳосилаларининг кўча маъноларини изоҳлашда кенг фойдаланилган.

3.5. Шеърӣй парчалар. Маҳмуд Замахшарӣй «Асос-ул-балоға»нинг муқаддимасида таъкидлашича, ўша давр шоирларининг шеърлари араб тилининг қонун-қоидаларини тўғри ва ўринли ишлатиш борасида намуна ҳисобланган⁴⁷. У илк ислом, жоҳилия, уммавийлар, аббосийлар, андалусия даври шоирларининг (500 га яқин) адабий мерослари билан яқиндан танишиб, ўз луғати учун улардан мисоллар тўплаган. «Асос-ул-балоға»да шеърларидан иллюстратив материал сифатида кўп фойдаланилган шоирларнинг номлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«Асос-ул-балоға»да келтирилган шоирларнинг номлари
ва уларнинг асарларидан олинган мисоллар ҳажми

№	Шоирнинг исми	Мисралар сони	№	Шоирнинг исми	Мисралар сони
1.	Зу-р-Румма	984	26.	Ҳамид ибн Сур	68
2.	Ал-Аъша	266	27.	Умар ибн Аҳмар	64
3.	Ар-Роъӣй	246	28.	Ади ибн Зайд	62
4.	Набиға Забӣяний	238	29.	Намр ибн Таваллӯб	60
5.	Ат-Тирмах	236	30.	Ҳасан ибн Собит	58
6.	Ибн Муқбал	208	31.	Абу Дуад	56
7.	Лабил	200	32.	Кааб ибн Зуҳайр	54
8.	Руаба	200	33.	Турфа	54
9.	Ал-Камят	192	34.	Туфайл Ғанавӣй	50
10.	Зуҳайр	188	35.	Ангара	48
11.	Имру-л-Қайс	182	36.	Абу Рабид Той	44
12.	Жарир	182	37.	Ал-Ҳанса	38
13.	Ал-Ажжож	178	38.	Ибн Мийада	36
14.	Аш-Шуммах	172	39.	Ибн Ҳурма	34
15.	Ал-Ахтал	144	40.	Алқама	32
16.	Ал-Фараздақ	144	41.	Ҳотамтой	32
17.	Набиға Жаъдий	120	42.	Абу Важа	32
18.	Абу Робиа	98	43.	Масиб ибн Улс	28
19.	Ус ибн Ҳажар	94	44.	Муталаммис	28
20.	Башар	90	45.	Амита ибн Абу Салт	28
21.	Абу Нажм	88	46.	Аббос ибн Мурдос	26
22.	Касир Изза	84	47.	Абу Хирош	26
23.	Ал-Қитомӣй	80	48.	Музоҳим Ақилӣй	24
24.	Абу Зуайб	76	49.	Дурайд ибн Сима	24
25.	Ал-Ҳатиа	68	50.	Мутанаҳхил	22

⁴⁶ للمختصرى. أساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ٢. بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨، ص. ٣٤٠.

⁴⁷ Ўша асар. Ж.1. Б.15.

Диссертацияга қуйидаги иловалар берилган. 1-илова «Асос-ул-балоға» луғат мақолаларининг фиҳристи» деб номланиб, унда асарда мавжуд 3742 та луғат мақоланинг бош сўзлари келтирилган. 2-илова «Асос-ул-балоға»да тасдиқловчи мисол сифатида келтирилган Қуръон оятлари». Унда луғатда лексик манба сифатида фойдаланилган 89 та суранинг 447 та ояти алифбо тартибида берилган. 3-илова «Асос-ул-балоға»да шеърларидан фойдаланилган шоирлар рўйхати» деб аталган. Унда луғатда сўзларни изоҳлашда шеърларидан мисоллар келтирилган 458 та шоир номлари араб тилида ва транслитерацияда берилган.

ХУЛОСА

«Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға» асарининг манбашунослик тадқиқи» мавзусидаги тадқиқот бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маҳмуд Замахшарий илмий мероси кўламини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар аллома қаламига мансуб 71 та асар номини аниқлаш имконини берди. Олим илмий лабораториясига кирган асарлар сирасида «Асос-ул-балоға» алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон шарқшунослиги, манбашунослигида ушбу асар шу кунга қадар комплекс ўрганилган эмас. Мавжуд мақолаларда эса асар ҳақида умумий маълумотларгина берилган. Бу ҳол тадқиқотнинг филология, хусусан, адабий манбашунослик бўйича илк диссертация сифатидаги илмий аҳамиятини кўрсатади.

2. «Асос-ул-балоға» араб луғатшунослигида муҳим аҳамиятга эга. Маҳмуд Замахшарий ушбу асари билан араб луғатшунослигида ўзига хос янги мактаб яратди. Олим араб луғатшунослигида биринчи бўлиб алифбо тизимини йўлга қўйган. У ўз луғатида сўзларни уларнинг барча ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда қатъий тартибда жойлаштирган.

3. «Асос-ул-балоға»да Маҳмуд Замахшарий сўз маъноларининг батафсил изоҳини таъминлаш мақсадида уларни изоҳлашда ўша давр тилида истеъмолда бўлган жумла ва иборалардан фойдаланган. Сўзларни изоҳлаш учун келтирилган жумла ва иборалар ўша давр тил хусусиятларини мукамал ўрганиш имкониятини беради.

4. «Асос-ул-балоға»нинг илмий жиҳатдан мукамаллиги, қўлланилиши бўйича қулайлиги унинг илмий доираларда кенг тарқалганлигини кўрсатади. Шу боис асар кўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган ва дунёнинг турли мамлакатларига тарқалган. Ҳозирги кунда асарнинг Лондон, Париж, Рим, Болония, Работ, Қоҳира, Бағдод, Дамашқ, Истанбул каби шаҳар фондларида мавжуд 30 дан ортиқ қўлёзмалари аниқланган. «Асос-ул-балоға»нинг бу нодир қўлёзмалари турли даврларда китобат қилинган.

5. «Асос-ул-балоға»нинг илмий, амалий аҳамияти унинг мавжуд қўлёзмалари асосида турли нашрларининг юзага келишига туртки

бўлган. Асар матни жаҳоннинг турли матбааларида чоп этилган, жумладан, унинг Қоҳира, Байрут, Лакхнау, Ҳайдаробод шаҳарларида босилган 20 дан ортиқ эски босма нашрлари аниқланган. Асарнинг замонавий нашрлари орасида 1998 йили Байрутда чоп этилган икки жилдлик наشري алоҳида аҳамият касб этади.

6. Асарнинг таркибий таҳлили унинг композицион мукамал тузилганлигини кўрсатади. «Асос-ул-балоға» араб алифбосидаги ҳарфлар сонига мувофиқ 28 бобга бўлинган. Асарга жами 3742 та бош сўз киритилган. Мақолалар ҳар томонлама изоҳланиб, ҳар бирининг асосий ва кўчма маъноси аниқланган. Асардаги умумий луғат мақолаларидан 2707 тасининг асосий маъносигина берилган, қолган 1035 та мақоланинг асосий маънолари билан бирга кўчма маъноси ҳам келтирилган.

7. «Асос-ул-балоға»нинг манбашунослик таҳлили Маҳмуд Замахшарийнинг араб тили балоғати, унинг грамматик хусусиятларини мукамал билишини кўрсатади. Муаллиф асарда мавжуд бош сўзлар мазмунини ёритишда уларнинг нозик фарқларига ҳам эътибор берган. Шу сабабли ҳар бир мақолага ўзига хос ёндашган. Луғат мақолаларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, улар ҳажман қисқа, ўрта, узун деб ажратилди ва ҳар бири махсус ёндашув билан изоҳланди.

8. Маҳмуд Замахшарий, араб манбаларида эътироф этилгандек, «Устоз-ул-араб ва-л-ажам», яъни «Араблар ва араб бўлмаган миллатларнинг устози» номига сазовор бўлган. Чунки олим араб тили билан боғлиқ бўлган барча илмларни, Қуръон, ҳадис, фразеологизмлар, мақоллар, араб шоирларининг асарларини мукамал билган ва улардан ўз асарларида том маънода илмий истифода этган. Айнан «Асос-ул-балоға» асарида ҳам аллома юқоридаги манбалардан фойдаланган ва сўз маъноларини очишда улардан иқтибослар келтирган.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қуйидаги ишларида ўз ифодасини топган:

1. Сулаймонова Н.А. Илм ва яхши хислатлар баркамолликка элтади // Халқ таълими. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.52-55.
2. Сулаймонова Н.А. «Устоз-уд-дунйа» ёхуд аз-Замахшарий ибрати // Таълим ва тарбия. – Тошкент, 2001. – №1-2. – Б.62-64.
3. Сулаймонова Н.А. «Ал-Кашшоф» Қуръони каримнинг мукамал тафсири сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2002. – №4. – Б.310-312.
4. Сулаймонова Н.А. Маҳмуд Замахшарий - буюк луғатшунос аллома // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2002. – №4. – Б.82-86.

5. Сулаймонова Н.А. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Навобиф ал-калим» асари ҳақида // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2005. – №1. – Б.6-9.
6. Сулаймонова Н.А. Аз-Замахшарийнинг Ўзбекистонда сақланаётган ахлоқшуносликка оид мероси // Шарқ машъали (Маҳмуд аз-Замахшарий таваллудининг 930 йиллигига бағишланган махсус сон). – Тошкент, 2005. – №2. – Б. 25-28.
7. Сулаймонова Н.А. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Атвоқ-уз-заҳаб» асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. Илмий мақолалар тўплами (ТДШИ). – Тошкент, 2005. – Б. 224-230.
8. Сулаймонова Н.А. Аз-Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2005 – №1. – Б.37-40.
9. Сулаймонова Н.А. Маҳмуд Замахшарий ва унинг илмий мероси // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2005. – №3. – Б.125-129.
10. Сулаймонова Н.А. Қуръони карим «Асос-ул-балоға» асарининг манбаси сифатида // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2006. – №2. – Б.39-43.
11. Сулаймонова Н.А. «Асос-ул-балоға»нинг Байрут нашри // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси (Алишер Навоий номидаги СамДУ). – Тошкент, 2006 – №2. – Б.84-87.
12. Сулаймонова Н.А. «Асос-ул-балоға»нинг қўлёзма ва нашр нусхалари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2006. – №6. – Б.76-82.
13. Сулаймонова Н.А. Аз-Замахшарийнинг «Асос-ул-балоға» луғати // Филология масалалари. – Тошкент, 2006. – №1 (10). – Б.133-136.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
 Сулаймонова Нигора Асқаралиевнанинг
 10.01.11 – Адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослиги
 бўйича «Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға» асарининг
 манбашунослик тадқиқи» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, «Асос-ул-балоға», луғат, араб луғатшунослиги, шарҳ, изоҳ, луғат мақола, бош сўз, ўзак тизими, феъл, сифат, сифатдош, сўз маъноси, асосий маъно, мажозий маъно, ибора, иллюстратив материал.

Тадқиқот объекти: Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос-ул-балоға» асари.

Ишнинг мақсади: Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға» асарининг таркибий таҳлилини амалга ошириш ҳамда унинг қўлёзма ва босма нашрларини манбашунослик жиҳатдан тадқиқ қилиш.

Тадқиқот усули: тавсифий, тарихий-қийёсий ва статистик методлар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: «Асос-ул-балоға» асари илк бор манбашунослик нуқтан назаридан ўрганилди; асарнинг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма ва нашр нусхалари аниқланди ва манбашунослик ишловидан ўтказилди; «Асос-ул-балоға» асарининг таркибий таҳлили амалга оширилди; «Асос-ул-балоға»га асос бўлган манбалар аниқланди ва улар таҳлил этилди.

Амалий аҳамияти: мазкур иш Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини ўрганишда, унинг лексикографик фаолиятини таҳлил қилишда янги илмий изланишларга ёрдам беради. Диссертация олий таълим муассасаларида адабий манбашунослик ва матншунослик, араб тилшунослиги тарихи, араб луғатшунослиги бўйича дарслик, ўқув қўлланма, методик тавсиялар, ўқув дастурлари яратиш, луғатлар тузиш, талабаларга махсус курслардан маъруза матнлари тайёрлашда муҳим манба бўлади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация мавзуси юзасидан 13 та илмий мақола эълон қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: адабий манбашунослик ва матншунослик, араб манбашунослиги, тилшунослик, араб тилшунослиги тарихи, араб луғатшунослиги.



РЕЗЮМЕ

**диссертации Сулаймоновой Нигоры Аскаралиевны на тему
«Источниковедческий анализ произведения Махмуда Замахшари
«Асос-ул-балога» на соискание ученой степени кандидата
филологических наук по специальности
10.01.11 – «Литературное источниковедение и текстология»**

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, «Асос-ул-балога», словарь, арабская лексикография, комментарий, толкование, словарная статья, главное слово, коренная система, глагол, прилагательное, причастие, значение слова, прямое значение, переносное значение, фраза, иллюстративный материал.

Объект исследования: произведение Махмуда Замахшари «Асос-ул-балога».

Цель работы: произвести структурный анализ произведения Махмуда Замахшари «Асос-ул-балога» и исследовать рукописи и издания «Асос-ул-балога» с точки зрения источниковедения.

Метод исследования: описательный, сравнительно-исторический, статистический.

Полученные результаты и их новизна: произведение «Асос-ул-балога» впервые изучено с точки зрения источниковедения; определены и исследованы рукописи и издания «Асос-ул-балога», хранящиеся в мировых фондах; осуществлен структурный анализ словаря; определены и проанализированы источники «Асос-ул-балога», послужившие основой для произведения.

Практическая значимость: работа является основой в изучении научного наследия Махмуда Замахшари и осуществлении новых изысканий, направленной на анализ его лексикографической деятельности. Диссертация также является важным источником для разработки учебных программ, учебников, учебных пособий, методических руководств, составления словарей, курсов лекций по литературному источниковедению и текстологии, арабскому источниковедению, истории арабского языкознания, арабской лексикографии для высших учебных заведений.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме диссертации опубликовано 13 научных статей.

Область применения: литературное источниковедение и текстология, арабское источниковедение, лингвистика, история арабского языкознания, арабская лексикография.

А. Нигора

R E S U M E

**Thesis of Sulaymonova Nigora Askaraliyevna on the scientific degree
competition of the doctor of philosophy in speciality
10.01.11 – Literary Source Studies and Manuscript Studies
“Source Studies Investigation of “Asos-ul-baloga”
by Makhmud Zamakhshari”**

Key words: Makhmud Zamakhshari, “Asos-ul-baloga”, dictionary, Arabic lexicography, commentary, explanation, dictionary article, general word, stem consonant, stem system, verb, adjective, participle, the meaning of the word, general meaning, figurative meaning, phrase, illustrative material.

Subjects of the inquiry: “Asos-ul-baloga” by Makhmud Zamakhshari

Aim of the inquiry: to investigate “Asos-ul-baloga” by the side of source studies. To show the role of the work in Arabic lexicography, its influence on next Arabic dictionaries.

Methods of the inquiry: Descriptive, statistical and historical-comparative methods have been used in the work.

The results achieved and their novelty: It's the first time that “Asos-ul-baloga” was studied from the point of view of source study. It was determined the manuscript and editorial copies that were kept in the world funds. “Asos-ul-baloga” was carried on constitutive analyses. The sources which were based on “Asos-ul-baloga” were found and they analysed.

Practical value: This work will help to new scientific search studying the scientific legacy of Makhmud Zamakhshari and to analyse his lexicography. The dissertation will be the main source of educational programmes for Literary Source Studies and Manuscript Studies, the history of Arabic lexicography in Higher Educational Institutions, preparing lectures on it special courses for students.

Degree of embed and economic effectivity: 13 articles were published on the results.

Sphere of usage: source studies, Arabic source studies, manuscript studies, linguistics, the history of Arabic linguistics, Arabic lexicography.

Тадқиқотчи  Сулаймонова Нигора Асқаралиевна

**А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ нусха кўпайтириш бўлимида чоп
этилди. Босишга рухсат этилди 5.03.2007 й. Бичими 30х42.
Ҳажми 1,5 б.т. Адади 100 нусха.**